

УДК: 31:338:336.5(575.1)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

**Мардонов Аминжон Амон ўғли**  
*Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институтининг,  
3-курс таянч докторанти (PhD)  
e-mail: aminjon.mardonov94@mail.ru*

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бўлган аҳоли даромад ва харажатлари, жамғармаларининг ҳалқаро стандартлар асосида миллий ҳисоблар тизими ҳисобини юритишнинг асосий хусусиятлари, ушбу кўрсаткичларнинг йиллар давомидаги ўзгаришлар динамикасида маълум қонуниятларни статистик усулларда таҳлил қилиш масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, бир компонентли кўрсаткичлар, нисбий кўрсаткичлар, тузилмавий кўрсаткичлар, даромадларнинг табақалашув кўрсаткичлари каби аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлари тизимининг хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, аҳолининг умумий даромадлари ва улардаги таркибий ўзгаришлар қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий, иқтисодий, яшаш шароити, турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, умумий даромадлар, пул даромадлари, натура шаклидаги даромадлар, бирламчи даромад, трансфертлар, меҳнат фаолияти, ёлланма ишчилар, мол-мулк, олинган даромадлар.

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены особенности основных показателей уровня жизни населения, доходов и расходов населения, ведения учета в системе национальных счетов на основе международных стандартов, вопросы статистического анализа отдельных выделены закономерности в динамике изменения этих показателей по годам. Также выделены особенности системы показателей, отражающих уровень жизни населения, таких как однокомпонентные показатели, относительные показатели, структурные показатели, показатели доходной стратификации. Также был проведен сравнительный анализ совокупных доходов населения и их структурных изменений.

**Ключевые слова:** социальный, экономический, уровень жизни, доходы населения, общие доходы, денежные доходы, доходы в натуральном выражении, первичный доход, трансферты, трудовая деятельность, наемные работники, имущество, полученные доходы.

## ABSTRACT

This article examines the main features of the main indicators of the standard of living of the population, income and expenses of the population, the main features of accounting in the system of national accounts based on international standards, issues of statistical analysis of individual patterns in the dynamics of changes in these indicators over the years. The features of the system of indicators reflecting the standard of living of the population, such as single-component indicators, relative indicators, structural indicators, and income stratification indicators, are also highlighted. A comparative analysis of the total income of the population and its structural changes was also carried out.

**Key words:** social, economic, standard of living, income of the population, total revenues, cash income, income in kind, primary income, transfers, labor activity, wage-earners, property, revenues received.

## КИРИШ

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар томонидан аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликдан азият чекаётган мамлакатларга кўмаклашиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, БМТнинг Бош ассамблеясида 2000 йилда қабул қилинган «Минг йиллик тараққиёт дастури» ҳамда 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурлари»[1] бевосита дунё мамлакатлари аҳолисини ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш, аҳолининг саломатлигини асрашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан иборат.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб изчил амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислохотлар замирида улуғ мақсад – халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек залворли мақсад ётибди. Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизидан ортиғи аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилиб, бюджет маблағларининг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини юксалтириш, эҳтиёжманд аҳоли гуруҳларини ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилгани аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида эканлигининг исботи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ҳам давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш

мақсадида қабул қилинди. Ушбу устувор йўналишлар Тараққиёт стратегиясида белгиланган бўлиб, унда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар ҳамда ташқи сиёсат юритишнинг муҳим принциплари назарда тутилган[2]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2020 йил 30 июнидаги 375-ИВ-сон «Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида навоий вилоятида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганиш яқунлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам, амалга оширилаётган барча ҳаракатлар ҳам халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилгандир[3].

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Аҳоли даромадларини ошириш ва юксалтириш, шунингдек, уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатларини ўрганиш масалалари В.Н.Салин, О.Ф.Чистик, Б.К.Ғойибназаров, Ш.Ш.Шодмонов, Т.С.Турғунов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

В.Н.Салиннинг илмий тадқиқотларида аҳоли даромадлари, уларнинг харажатлари ва жамғармаларини халқаро миллий ҳисоблар тизими стандартлари асосида баҳоланган, аҳоли даромадларининг ошириш, жамғармаларини сақлаш масалалари кўп омилли статистик усулларда таҳлил этилиб, даромадлар орасидаги табақаланиш мезонлари статистик баҳоланган[6]. Ш.Ш.Шодмонов ва Т.С.Турғуновнинг илмий изланишларида эса мулкчиликнинг ҳар хил шакллари амал қилаётганда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг даромадлари манбалари, харажатларининг таснифланиши, мулк ва тадбиркорликдан ҳамда иш ҳақи, жорий трансфертлардан олинган даромадларнинг уй хўжалигидаги ўрни каби масалалар ёритиб берилган[15]. Б.Ғойибназаров илмий тадқиқотларида мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш усуллари, тамойиллари, мезонлари ва кўрсаткичлар тизими, уларнинг статистик ахборотлар базаси комплекс тадқиқ этилган[4].

Ҳ.П.Абулқосимов ва бошқаларнинг олиб борган илмий тадқиқотларида айнан аҳоли пул даромадларини ошириш манбалари, уларни статистик ахборотлар базаси, пул даромадларига таъсир қилувчи омиллар ҳамда уларнинг фаолиятини статистик моделлар асосида баҳолаш ва прогнозлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[5].

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислоҳотлари шароитида аҳоли даромадлари ва харажатларини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш, таъсир қилувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга

қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, синтез, индукция, дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, ва илмий абстракциялаш усулларидан фойдаланилди.

Ҳозирда турмуш даражаси концепцияларини аҳолининг турмуш даражаси сифатини ҳар томонлама характерлаб берадиган ягона кўрсаткичга келтириш бўйича самарали усул мавжуд эмас. Аҳолининг юқори даромадга эга гуруҳлари пул даромадларининг паст даромадли гуруҳларига нисбатан ортиқлиги миқдорини белгилайдиган даромадларнинг тақсимланиш коэффициентини турмуш даражаси ва турмуш хусусиятининг чуқурроқ таҳлилидир.

Халқаро амалиётда қуйидаги табақаланиш коэффициентларидан фойдаланилади: фондлар коэффициенти – аҳолининг таққосланаётган гуруҳлари ичидаги даромадларнинг ўртача миқдорлари нисбати ёки уларнинг даромадлари умумий ҳажмидаги улуши; табақаланишнинг децил коэффициенти – у аҳолининг энг таъминланган 10,0% даромадларининг энг кам таъминланган 10,0% ўртасидаги фарқни кўрсатади; табақаланишнинг квантил коэффициенти – у аҳолининг энг таъминланган 25,0% даромадларининг энг кам таъминланган 25,0% ўртасидаги фарқни кўрсатади; стратификация коэффициенти – камбағалларнинг таъминланганлар сонига нисбати.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Давлат ижтимоий сиёсатининг индикатори сифатида турмуш кечиришнинг энг кам миқдори кўрсаткичидан фойдаланилади. Ривожланган давлатларнинг ижтимоий қонунчилигида ушбу кўрсаткич ёрдамида камбағаллик ўлчанади. Турмуш кечириш энг кам миқдоридан паст даромадга эга аҳоли камбағал хисобланади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўлади. Турмуш кечиришнинг энг кам миқдorigа қараб кўпгина ижтимоий кафолатлар: иш ҳақи, пенсия, стипендиялар, айрим нафақаларнинг энг кам миқдори белгиланади.

Ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини аниқлашда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уй хўжалиқларининг танланма ва жорий кузатуви маълумотларига таянилади. Бу эса статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис аҳоли фаровонлигини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим (1-расм).

## Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлари



**1-расм. Аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизими[17]**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий соҳада иқтисодий жараёнларни статистик тадқиқ этишнинг учта асосий усулини келтирамиз:

**биринчидан**, умумий назарий статистиканинг классик усуллари. Уларга статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш усули, умумлаштирувчи статистик кўрсаткичларни статистик баҳолаш, вақтли қаторларнинг статистик таҳлили каби усуллари;

**иккинчидан**, замонавий статистика усуллари. Уларга кўп омилли статистик таҳлил, уй хўжаликларини атрибутив белгиларига кўра гуруҳлаш, вариация қаторлари, дисперсион таҳлил, ковариацион таҳлил;

**учинчидан**, тадқиқот операцияларини эмперик моделлари, стохастик дастурлаш, захираларни бошқаришнинг стохастик усуллари киради.

Аҳолининг шахсий даромадлари – мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширгунга қадар бўлган ялпи даромадни ифода этади.

Аҳолининг шахсий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

Аҳоли турмуш даражасининг асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторларини аҳоли пул даромадлари ва харажатлари, унинг таркиби ва фойдаланиши, даромад бўйича аҳолини тақсимлаш каби кўрсаткичлар характерлайди. Аҳоли пул даромадлари барча тоифалардаги аҳолининг меҳнати эвазига олган иш ҳақи, тадбиркорлик фаолияти олинган даромадлари, пенсия, нафақа, стипендия, капитал қўйилмалар бўйича фоиз шаклида олинадиган даромадлар, рента, кўчмас мулкни, кишлок хўжалиги

маҳсулотлари ва чорва молларини сотишдан тушумлар, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқалардан иборат.

Бизнинг фикримизча, аҳоли даромадларини самарали шакллантиришга кўйидаги омиллар таъсир кўрсатади: давлатнинг юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолати; инсонларнинг мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари; мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини юритишга қулай имкониятлар яратилганлиги.

Даромадлар таркиби ўзгариб бораётгани билан уларни атрофлича ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилишни, даромадларни оширишнинг янгидан-янги манбаларини аниқлаш ва истиқболлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон аҳолисининг сўнгги йиллардаги умумий даромадларининг тузилмаси кўйидаги маълумотлар билан тавсифланади (1-жадвал)[5].

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган умумий даромад таркиби (фоиз)[5]

Т/Р	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
	<b>Умумий даромад- жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>											
<b>И.</b>	<b>Бирламчи даромадлар</b>	<b>78,9</b>	<b>78,3</b>	<b>80,4</b>	<b>84,2</b>	<b>85,1</b>	<b>80,6</b>	<b>77,5</b>	<b>76,2</b>	<b>75,4</b>	<b>73,6</b>	<b>70,2</b>
	<i>шундан:</i>											
1.	Ишлаб чиқаришдан	77,1	76,1	78,4	82,0	82,2	77,4	74,6	73,5	73,3	71,5	<b>67,9</b>
2.	Мол-мулкдан	1,8	2,2	1,9	2,2	2,9	3,1	2,9	2,7	2,1	2,2	<b>2,4</b>
<b>III.</b>	<b>Трансфертлардан</b>	<b>21,1</b>	<b>21,7</b>	<b>19,6</b>	<b>15,8</b>	<b>14,9</b>	<b>19,4</b>	<b>22,5</b>	<b>23,8</b>	<b>24,6</b>	<b>26,4</b>	<b>29,8</b>

Кўришиб турибдики, уй хўжаликлари даромадларнинг асосий манбалари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардир. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 2022 йилда бирламчи даромадлар улуши 70,2%ни ташкил қилган бўлса, трансфертлардан олинган даромадлар 29,8%га тенг бўлди, мол-мулкдан олинган даромадлар 2,4%ни ташкил қилган.

Улар шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида турлича кўрсаткичларга эга. Аҳоли умумий даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсиши асосан умумий даромадлар таркибига кирувчи меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар билан боғлиқ. 2022 йилда ушбу кўрсаткич 61,6%ни ташкил қилди, шунингдек, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар улуши 6,3%ни ташкил қилди.

Статистик таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, аҳолининг пул даромадлари тузилмасида минимал ва ўртача иш ҳақининг ўсиши ҳисобига иш ҳақининг улуши бир неча баробар ўсди. Иш ҳақининг умумий даромаддаги улушининг ортиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади, чунки бу ёлланган ишчиларнинг юқори самара билан ишлаш рағбатини уйғотади.

Ўзбекистон аҳолисининг ўз мулкидан оладиган даромадларини таҳлил этадиган бўлсак, улар мулкдан фойда олишга ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлмасда ҳаракат қилишларини таъкидлаш лозим.

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ шахсий даромад «бирламчи даромад» ва «трансфертлардан олинган даромадлар»га бўлинади, бу ўз навбатида бандлик ҳолати ёки ижтимоий таъминот тизимига боғлиқ ҳолда институционал ўзгаришларнинг таъсирини кузатиш имконини беради.

Бирламчи даромадлар ўз навбатида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар (меҳнат фаолиятдан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар) ва мол-мулкдан олинган даромадларни ўз ичига олади.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс этирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлардир.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкый даромадлар) – мулкый эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлардир.


Трансфертлардан олинган даромадлар эса ижтимоий трансфертлар (пенсия, нафақа ва стипендиялар) ва бошқа жорий трансфертлардан иборат (трансфертлар – бу уй хўжаликларига товар, хизмат ёки актив эвазига копланмасдан товарлар, хизматлар ва активларнинг келиб тушишидир).

2022 йилда аҳоли умумий даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг улуши 70,2%ни, шундан 67,9%и меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар, 6,3%и шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадларни ташкил этган.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий иш жойидан бериладиган иш ҳақи аҳолининг аксарият қисми учун етакчи даромад манбаи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи аҳоли жами даромадларининг 60-80%ини ташкил этади, яъни уларнинг меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминлаш пойдевори бўлиб хизмат қилади[7].

Энди, 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадларининг таркиби, унинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, МДХ

мамлакатлари билан таққосланиши ва уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қиламиз (2-расм).



**2-расм. Аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан ўзгариши, %да[16]**

Юқоридаги расмдан, аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 2018 йилда 124,8%ни ташкил қилган бўлса, ушбу йилда унинг реал ўсиш суръати 106,25%ни ташкил қилган. 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 111,3% ҳамда 98,6%ни таққос қилган. Ўтган 2022 йилда ушбу кўрсаткичлар, мос равишда 119,8% ҳамда 107,5%ни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткични ҳудудлар кесимида ўзгариш даражасини қиёсий таҳлил қилиш орқали ҳудудлар ушбу кўрсаткичга эришилишида қандай таъсир даражасига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).


Жадвал маълумотларидан маълумки, Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан реал ўсишида 2012 йилда энг юқори кўрсаткич Фарғона вилоятида (117,4%) қайд этилган бўлса, энг қуйи ўсиш даражаси Навоий вилоятида (102,2%) кузатилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича 2022 йилда Хоразм вилояти (111,8%) энг юқори даражада ўсган бўлса, Навоий вилояти (99,1%) пасайиш кўрсаткичи билан энг қуйи ўринни эгаллаган.



**Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий  
даромадларининг ўтган йилга нисбатан реал ўзгариши, %да[16]**

Худудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
<b>Ўзбекистон</b>	<b>111,6</b>	<b>111,4</b>	<b>107,1</b>	<b>107,7</b>	<b>108,8</b>	<b>107,5</b>	<b>106,2</b>	<b>104,2</b>	<b>98,6</b>	<b>110,7</b>	<b>107,5</b>
Қорақалпоғистон	113,9	110,2	109,9	111,6	105,8	110,1	110,4	105,5	102,8	108,7	105,2
Андижон	108,6	118,6	106,5	107,2	110,5	110,0	104,8	103,8	96,2	108,8	109,1
Бухоро	109,6	110,4	108,1	106,9	108,8	109,6	109,4	101,4	98,8	112,1	105,7
Жиззах	110,9	109,2	113,8	111,5	107,7	108,8	112,5	99,6	99,9	108,6	103,2
Қашқадарё	111,0	110,4	106,3	105,0	112,4	106,9	103,2	102,2	98,3	107,9	108,4
Навоний	102,2	108,4	106,5	112,7	105,7	104,7	107,0	106,5	106,1	112,8	99,1
Наманган	114,0	112,0	107,8	107,4	109,4	110,5	102,8	104,7	99,5	111,0	109,9
Самарқанд	108,0	112,9	107,8	103,6	114,0	107,5	105,0	100,8	99,9	110,3	108,3
Сурхондарё	113,5	106,9	108,2	106,8	105,4	106,9	109,1	103,0	98,0	110,5	110,6
Сирдарё	107,7	116,7	104,8	109,8	110,0	92,4	103,8	105,0	96,7	106,3	106,0
Тошкент	112,0	107,8	108,4	110,9	104,4	103,8	104,9	104,4	103,0	111,4	100,1
Фарғона	117,4	107,9	106,3	108,0	107,0	102,5	108,4	99,9	96,7	115,4	107,9
Хоразм	111,1	113,5	106,9	104,1	109,4	112,9	110,9	102,6	97,3	116,0	111,8
Тошкент ш.	113,9	114,0	104,7	109,1	110,1	110,2	104,3	112,3	93,3	105,8	109,9

Қуйидаги графикда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларини аҳолининг 20%ли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланишини таҳлил қилинди (3-расм).




**3-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолиси даромадларини аҳолининг 20%ли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши, %да[16]**

Қуйидаги графикда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларини нотекис тақсимланиши бўйича Жини коэффициентининг 2017-2022 йиллардаги ўзгариши келтирилган (4-расм).

Ушбу расм маълумотларидан, 2017 йилда Жини коэффициенти 0,262ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 0,283ни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Агар МДХ мамлакатларининг аҳоли даромадлари таркибини кўрадиган бўлсак, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи сифатида олган даромадлари

Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия Федерациясида 55%дан 69%гачани ташкил этадиган бўлса, Қирғизистонда 40% атрофида, Ўзбекистонда 34,3%ни ташкил этади. Ижтимоий тўловларнинг улуши Беларусда 29% бўлса, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерациясида 16%дан 18%гача, Ўзбекистонда эса 11,3%ни ташкил этди [9].



**4-расм. Аҳоли даромадлари нотекис тақсимланиши-Жини коэффициенти[16]**

Жамият аъзоларининг моддий таъминланиши аҳолининг турли хил моддий неъматларга бўлган истеъмол даражаси ва тузилмаси билан аниқланади. Аҳолининг моддий неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондирилиш даражаси яъни истеъмолини тавсифлаш учун статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар қиймат ва натура шаклида ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, шундай умумлашган кўрсаткичлардан бири «моддий неъмат ва хизматларга бўлган умумий истеъмоли ҳажми» қиймат шаклида ҳам аҳоли бўйича, ҳам аҳоли жон бошига ҳисобланиши мумкин. Бу кўрсаткичнинг ҳисоблашда истеъмол қилинган моддий неъматларнинг ҳажми аҳолининг моддий неъматларга бўлган шахсий истеъмоли қиймати сифатида аниқланади.

Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари кўрсаткичларининг бошқа хусусиятлари шунда намоён бўладики, унинг алоҳида минтақалар бўйича таққослашда истеъмолчилар таркибини ёши бўйича (эркаклар ва аёллар истеъмоли, ёш болалар ва катта ёшдагилар, ёшлар ва пенсионерлар, жисмоний ва ақлий меҳнатда банд бўлганларга ажратган ҳолда) ҳисобга олиш зарур.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини яхшилаш нафақат уларнинг алоҳида маҳсулотларга бўлган истеъмоли даражасининг ошишига, балки унинг тузилмасини такомиллашишига олиб келади.

Моддий неъматлар истеъмоли кўрсаткичлари динамикасини текшириш махсус статистик усул-иқтисодий индекслар усулига асосланган. Бунда барча моддий неъматлар ҳамда алоҳида турдаги истеъмол маҳсулотларига ажралган ҳолда истеъмол динамикаси ўрганилади. Аҳоли даромадларининг ошиши ва турмуш даражасининг яхшиланиши натижасида жами истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш

харажатлари салмоғининг барқарорлашиб бориши билан бир вақтда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларга сарфланадиган харажатлар улуши ортмоқда. Агар 2022 йил маълумотларини 2000 йил маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлар 61,4%дан 57,3%га камайганлигини, ноозиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлар эса 25,8% дан 27,7%га ва хизматларга сарфланган харажатлар 12,8%дан 15,0%га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Агар МДХ мамлакатларининг истеъмол харажатлари таркибини кўрадиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотларига қилинган харажатларнинг улуши Россия Федерациясида 32%ни ташкил этадиган бўлса, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистонда 40%дан юқорини, Қирғизистон, Тожикистон ва Украинада 50%дан юқорини ташкил этади.

Ноозиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатларнинг улуши Россия Федерациясида 40%дан ортиқроқни ташкил этадиган бўлса, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда 28%дан 35%гачани, Арманистон ва Украинада 22% атрофида, Озарбайжонда эса 17%ни ташкил этади.

Шунингдек, хизматларга қилинган харажатларнинг улуши Озарбайжонда 40%дан юқорини, Россия Федерациясида 26%дан ортиқроқни, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Украинада 19%дан 23%гачани, Тожикистонда эса 14% атрофида ташкил этади. Шунингдек, 2022 йилда Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари таркибида мол-мулкдан олинган даромадлар 2,3%ни, трансфертлардан олинган даромадлар 29,8%ни ташкил этган. Аҳолининг саводхонлик даражаси ҳам аҳоли турмуш даражасини баҳоловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланиб, бу борада мамлакатимиз дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан жой олганлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур (4-жадвал).


#### 4-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида вояга етганларнинг саводхонлик даражаси, %да[16]

Кўрсаткич номи	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Катта ёшдаги аҳоли*	100,0	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9
Катта ёшли эркеклар**	100,0	99,9	99,9	99,9	99,9	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Вояга етган аёллар***	100,0	100,0	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9	99,9
Ёшлар (эркеклар)****	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ёшлар (аёллар)****	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Жами ёшлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
*Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси, (15 ёш ва ундан катта ёшлиларга нисбатан %) **Катта ёшли эркекларнинг саводхонлик даражаси (15 ёш ва ундан катта эркекларнинг %) ***Вояга етганларнинг саводхонлик даражаси (15 ва ундан катта ёшдаги аёлларнинг %) **** Ёшлар ўртасида саводхонлик даражаси (15-24 ёшдаги эркекларнинг %) ***** Ёшларнинг саводхонлик даражаси (15–24 ёшдаги аёлларнинг %)											

Юқоридаги жадвалдан, аҳолининг саводхонлик даражаси юқори даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Саводхонлик даражаси аҳолининг қарийб барча қатламини тўлиқ қамраб олган бўлиб, фақатгина кекса ёшдагиларнинг жуда кичик улушида саводхонлик даражаси мавжуд эмаслигини ва шу сабабли 99,9%ни кўрсатганлигини, лекин, шундай бўлса-да, бу кўрсаткич юқори даражада эканлигини кузатишимиз мумкин бўлади.

Шунингдек, аҳоли турмуш даражасига аҳолининг ҳавфсиз ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ҳам таъсир қилади (5-расм).



**5-расм. Ҳавфсиз ичимлик суви хизматларидан фойдаланувчи уй хўжаликлар улуши,%да[16]**

5-расмда келтирилган маълумотлардан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг камида асосий ичимлик суви хизматларидан фойдаланувчилардаги улуши ҳамда ҳавфсиз ичимлик сувидан фойдаланувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улушлари сўнгги йилларда барқарор ўсиб келганлигини кўриш мумкин.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири жуда кам бўлсада, аҳолининг тижорат банкларида бўлган ишончининг ортиши, инновацион ишланмаларнинг ривожланиши, қолаверса, акциядорлик жамиятлари даромадларининг ортиши, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектларини ижарага бериш ва шу каби бозор механизмларининг такомиллашуви натижасида аҳолининг қўлига келиб тушаётган фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақлари ва шу каби мулкый даромадлар ҳам йил сайин ортиб бориши лозим эканлигини барчамизга маълум, лекин статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда аҳоли умумий даромадлари таркибида мулкый даромадларнинг улуши 3,1%ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 2,4%ни ташкил этди.

2022 йилда аҳоли умумий даромадлари ҳажми 634,8 трлн. сўмни ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиши 9,7%ни ташкил этди. Аҳоли

жон бошига ўртача умумий даромадлари эса 17,8 млн.сўмни, реал ўсиши 7,5%ни ташкил этди[10].

Аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг барқарорлашиши, шунингдек, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатларнинг улуши ортиб бораётганлиги ижобий ҳол, албатта.

Уй хўжаликлари кузатувлари маълумотларига кўра, 2022 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми, асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт ва гўшт маҳсулотлари 45 кгни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 127,1%га тенг бўлди. Шунингдек, сут маҳсулотлари 282,8 кгни (2000 йилга нисбатан 1,8 марта), тухум 230 донани (4,6 марта), сабзавот ва полиз экинлари 293,3 кгни (2,2 марта), картошка 58,6 кгни (1,8 марта), шакар ва қандолат маҳсулотлари 26 кгни (1,8 марта), мева ва резаворлар 151,5 кгни (3,7 марта) ташкил этди.

Таҳлилларимизга кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. 2000-2022 йиллар мобайнида аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражасини кўрадиган бўлсак, аҳолининг шахсий енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда ҳар 100 хонадонга 55 тага етди. Шунингдек, ҳар бир 100 хонадонга тўғри келган телевизорлар сони 171 тани ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 1,9 мартага ошган. Шунингдек, кондиционерлар – 45 дона (2000 йилга нисбатан ўсиш – 4,1 баробар), электр чангютгичлар – 69 дона (ўсиш 2,3 баробар), кир ювиш машиналари – 95 дона (ўсиш 1,4 баробар) ташкил этди[11].

## 5-жадвал

### Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланиши (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)[9]

Кўрсаткичлар	2000 й.	2010 й.	2015 й.	2022 й.
Телевизорлар	88	132	152	171
Кондиционерлар	11	19	32	45
Электр чангюткичлар	30	37	53	69
Шахсий компьютерлар	0,2	12	47	64
Кир ювиш машиналари	69	75	79	95
Енгил автомобиллар	20,1	27,1	41,9	55,0

Бундан ташқари, АКТ воситалари (шахсий компьютерлар, яъни столга қўйиладиган, кўчма компьютер (ноутбук, нетбук), планшет ва бошқа ёнида олиб юриладиган компьютер ҳамда уяли алоқа телефонлари)нинг аҳоли ҳаётига шиддат билан кириб келиши, бу воситаларнинг имкониятлари кундан кунга кенгайиб бориши аҳоли учун алоқа қилиш, ахборот алмашиш ва дунёдаги янгиликлардан тезкор равишда хабардор бўлиш билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб бермоқда.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорлар қабул қилишда, мамлакатда ўтказилаётган ислохатларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурларининг амалга ошишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Турмуш даражасининг статистик тавсифлари унинг комплекс баҳоланишини таъминловчи ўзаро боғланган кўрсаткичларнинг кенг тизимига асосланади.

2. Ишлаб чиқариш омиллари хусусий мулк бўлар экан, улардан ҳар бири келтирган даромад миқдордан ва шаклан фарқланади. Ишчи кучига меҳнат даромади, капиталга фойда ва рента каби даромадлар хос. Ўтиш даврида мулк берган даромад иш ҳақи, тадбиркорлик даромади, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятидан келган даромад, мулкий даромад, томорқа даромадларидан иборат.

3. Даромадлар хусусий мулкни самарали ишлатиш натижаси бўлиб, улар иқтисодиётнинг нақадар эркинлигига, мулкдорларнинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Даромадлар таркибида хусусий мулк – ишчи кучи даромадини ташкил этувчи иш ҳақи салмоғи паст бўлгани ҳолда тадбиркорлик даромади, томорқа даромади салмоғи юқорилиги кузатилади.

4. Мулкдан келган даромадларни икки гуруҳга ажратиш керак: биринчиси – мулк-ишчи кучи даромади, унга иш ҳақи ва тадбиркорлик қобилияти натижасида яратилган меъёрий фойда; иккинчиси – капитал мулк даромади, унга иқтисодий фойда, фоиз, дивиденд ва ижара пули киради. Тадбиркорлик, яқка тартибдаги меҳнат ва томорқа берган тушумларда меҳнат ва капитал мулк даромадлари синтезланади. Мулкдорлар турли усулда ва шаклда топган даромадлари ўсиши мулкчиликнинг ижтимоий жиҳатларини кучайтиради.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача тараққиёт стратегияси концепциясида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистонда келгусида аҳоли ижтимоий турмуш даражаси ва ижтимоий муҳоазани таъминлаш – ижтимоий чеклашларга қарши курашиш, янги ва юқори ҳақ тўланадиган иш жойларини ва самарали механизмларини яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини модернизация қилиш, ходимларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уларнинг соғлиғи ва иш ҳавфсизлигини таъминлаш, иш жойидаги камситишлардан ҳимоя қилиш ва ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, яъни, соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат бюджети ва иқтисодиётига қарам бўлмаслиги керак, бунинг ўрнига шундай соғлиқни сақлаш тизимини яратиш керак-ки, бу тизим давлат ривожланиши учун туртки бўлсин, иқтисодий жиҳатдан самарали, арзон ва ўз-ўзини қоплайдиган бўлиши керак. Экологик вазиятни яхшилаш эса иқтисодиётни чиқиндиларсиз ишлаб чиқариш жараёнига ўтказишдир[12]. Ёш авлод билан

боғлиқ сиёсий жиҳатлардан бири ёш авлодни ўқиш босқичидан иш босқичига ўтишини таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари даражасига жавоб берадиган касблар билан таъминлаш.

Республикамызда амалга оширилаётган бу каби ислохотларнинг барчаси келажакда халқимиз турмуш даражасини яхшилашга қаратилган, зеро юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақини юксалтириш барчамизнинг олий мақсадимиздир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2018/02/weodata/weoselco.aspx?g=2001&sg=All+countries#c111>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://president.uz/uz/2203>
4. Б.К.Ғойибназаров Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Тошкент “Фан” нашриёти, 2006. –125 б.
5. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.
6. Социально-экономическая статистика. Под.ред.В.Н.Салина Учебник для ВУЗов. М. ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 581 с.
7. ЕВРОСТАТ маълумотлари.
9. МДХ статистика қўмитаси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Статистик тўплам. Тошкент. Давлат статистика қўмитаси.
11. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000-2021 год. Т.: -ГКС РУз.2022. 162-с.
12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари.
13. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси 2019-2022 йй. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Тошкент. Статистика агентлиги, 2023.-238 б.
14. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2019-2022 йй. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Тошкент. Статистика агентлиги, 2023.-288 б.
15. Салиходжаева У.А. Статистический анализ уровня жизни населения в условиях модернизации экономики // “Актуальные вопросы экономики сборник статей ИИ показателей Международной научно-практической конференции”, Пенза, 25 мая 2020. с.208-211

16. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайт маълумотлари.
17. Муаллиф ишланмаси.